*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 64 (8804). ● 25 март, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# ҚУТЛОВЛАР УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига қайта сайланишим муносабати билан КПСС XXVII съездидан кейин партия ва бошқа жамоат ташкилотларидан, меҳнаткашлардан қутловлар олдим.

Бу қутловлар учун сидқидилдан ташаккур айтаман. Бу қутловлар КПСС XXVII съезди бошлаган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўли умумхалқ иши, ҳар бир кишининг иши бўлиб қолганидан яна бир бор дарак беради. Келгусида жуда катта иш қилиниши керак. Шу йилнинг ўзидаёқ биз съезд белгилаган режаларни амалга оширишда олға томон шахдам қадам қўйишимиз керак. Янги жамият қурилиши бизнинг олдимизга неча бор тарихий аҳамиятга молик вазифаларни қўйган: биз ўтмишда бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этганмиз. XXVII съезд қарорларини амалга ошириш — совет халқининг қатъий хоҳиш-иродасидир.

Чет эл давлатларининг давлат ва жамоат арбобларидан, гражданларидан қутловлар келди. Самимий миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга тинчлик ва озодлик идеалларига садоқатли Совет Иттифоқи дунёдаги сиёсий иқлимни тубдан соғломлаштиришга, одилона халқаро хавфсизлик принципларини қарор топтиришга изчиллик билан интилаверади, деб ваъда бермоқчиман. Қуролланиш пойгасини қатъиян қисқартириш, халқаро ҳамжамиятининг уруш хавфини тугатиш йўлида, халқаро муносабатлардаги ишончсизлик ва душманликни бартараф этишда биргаликда куч-ғайрат сарфлашларини шу мақсадга эришиш йўли деб биламиз. Инсоният тинчлик ва иноқликда яшашни ўрганиши мумкин ва лозим. Бизнинг эътиқодимиз — шу.

Шу имкониятдан фойдаланиб, туғилган куним муносабати билан самимий қутловлар йўллаган барча совет кишиларига, шунингдек чет эл гражданларига чуқур миннатдорчилик билдираман. Кўпдан-кўп раҳмат.

**М. ГОРБАЧЕВ.**

# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

## СЪЕЗД ҒОЯЛАРИ—ОММАГА

Мамлакатимиз КПСС XXVII съезди ғоялари ва қарорларининг чуқур таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқда. Съезд турмуш ўртага қўйган саволларга ленинча ошкора жавоб қайтарди, совет жамияти тараққиётининг янги, бурилиш босқичида партия ва халқни программавий ҳужжатлар билан, жадаллаштиришнинг дадил стратегияси билан қуроллантирди.

Съезд юзага келтирган принципиаллик, топширилган иш учун, камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлаб, тугатиш учун кадрларга нисбатан юксак талабчанлик муҳитини сақлаб қолиш билангина чекланмасдан, барча партия ташкилотларида, ҳар бир меҳнат коллективида шу муҳитни мустаҳкамлаш — бугунги бош вазифадир. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси куни кеча қабул қилган қарорда совет сиёсий системасининг барча бўғинларини съезд қўйган кенг миқёсли вазифаларни бажариш соҳасида зўр ғайрат билан қилинаётган ишга ҳеч кечиктирмай сафарбар этиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Съезд якунларини ва унинг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни партия комитетларининг пленумларида, актив йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиш белгиланганлиги маълум. Бу масалаларни халқ депутатлари Советларининг сессияларида, касаба союз ва комсомол ташкилотларида, министрликлар ва идоралар коллегияларининг мажлисларида ҳам кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ шундай муҳокама бошлаб юборилди. Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг пленумида қайта қуриш қандай бораётганлиги, халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишни жадаллаштириш, коммунистлар ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иши таъсирчанлигини ошириш резервлари ҳамда имкониятлари ишчанлик билан таҳлил этилди. Ҳозир коллективлардаги партия ва ишчи йиғилишларида белгиланган режаларни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида бафуржа, иш манфаатларини кўзлаган ҳолда талабчанлик билан гаплашиб олинмоқда.

Муҳокамадан кузатилган асосий мақсад — бутун диққат-эътиборни съезд қарорларини ҳар бир тармоқнинг, ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг конкрет шароитида амалий равишда бажаришга қаратишдан иборат. Шу йилги ва умуман ўн иккинчи беш йилликдаги план топшириқларини бажариш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни, экономикага ва социал ривожланишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига раҳбарлик услуби ва методларини ҳар томонлама такомиллаштириш диққат-марказида бўлиши керак. Турмушимизнинг ҳамма соҳаларидаги жадаллик, туб ўзгартишлар— шунчаки шиор эмас, балки партия қатъият билан оғишмай олға борадиган йўл эканини унутмаслик керак.

«Бугунги кунда партиявий таъсирнинг бутун кучи жалб этиладиган энг муҳим нарса бошдан кечираётган пайтнинг кескинлигини, унинг бурилиш характерини ҳар бир киши англаб олишига эришишдан иборатдир, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида. — Агар планларимиз кишиларни қизиқтира олмаса, агар биз омманинг меҳнат ва ижтимоий активлигини, унинг ғайрат-шижоати ва ташаббускорлигини уйғота олмасак, ҳар қандай планимиз ҳам ҳавода муаллақ бўлиб қолади».

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладини, партия Программаси ва Уставини, съезднинг бошқа ҳужжатларини кенг миқёсда тушунтиришни таъминлаш — энг масъулиятли ишлардан биридир. Съезд қарорларининг моҳияти ва руҳини ҳар бир совет кишиси онгига сингдириш ва шу билан бирга ишни замонавий талабларга мувофиқ тарзда амалий равишда ташкил этиш лозим. Бу — партия ташкилотларининг, раҳбар кадрларнинг, идеология соҳасидаги барча активларнинг энг муҳим бурчидир. Лекция пропагандаси ҳам, пропагандистлар сайёр группаларининг иши ҳам, съезд делегатлари иштирокида ўтказиладиган ягона сиёсий кунлар ҳам шу мақсадга хизмат қилиши керак.

Партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида, оммавий пропаганданинг турли формаларида, ўқув юртларида КПСС XXVII съезди материалларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозим. Иш шундай йўлга қўйилиши керакки, съезд ҳужжатларини тушунтириш мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш соҳасида зўр ғайрат билан қилинаётган амалий ҳаракатлар билан чамбарчас боғлаб олиб борилсин, экономикани интенсивлаш ҳамда одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, совет демократиясини такомиллаштириш, интизом ва тартибни янада мустаҳкамлашнинг актуал масалалари доимо биринчи ўринда турсин. Маҳсулот сифатини тубдан ошириш вазифаси ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнатчининг жонажон иши бўлиб қолиши керак. Съезд қарорларини амалий равишда рўёбга чиқариш дадил ижодий изланишни ҳам, ҳамма жойда социал адолат принципларини қарор топтиришни ҳам, ахлоқий негизларимизни мустаҳкамлашни ҳам тақозо этади.

Келгусидаги ишнинг кенг миқёси ва янгилиги оддий ишчидан тортиб министргача — ҳамманинг фикрлашини тубдан қайта қуришни талаб қилади. Шу боисдан ҳам съезд материалларини пропаганда қилишда ва ўрганишда, унинг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятда ишчанлик, ишга танқид ва ўз-ўзини танқид кўзи билан қараб, сафсатабозлик ва дабдабабозликни, хотиржамлик ва муваффақиятларга маҳлиё бўлишни қатъият билан улоқтириб ташлаш руҳини мустаҳкамлаш муҳимдир. Ҳозир ҳар бир участкада — ишлаб чиқариш ёки бошқарув соҳасида, жамоат ташкилотининг ишида, хўжалик механизмида ёки партиявий фаолиятда юзага келаётган амалий тажрибани мисқоллаб тўплашдан ҳам заруррoқ вазифа йўқ. Бу соҳада матбуотимиз, радио ва телевидениемиз катта роль ўйнаши керак, улар шу тажрибанинг, стратегик проблемаларимиз ва кундалик вазифаларимизни ҳал этиш ниятида одамлар кўтариб чиқаётган ижодий ташаббуснинг ҳақиқий минбари бўлиб қолиши лозим.

КПСС XXVII съездининг бебаҳо ғоявий бойлигини эгаллаш, съезд қарорлари ва ҳужжатларини пропаганда қилиш ҳамда тушунтириб бериш, съезд ўртага қўйган вазифаларнинг бажарилишини ташкилотчилик ҳамда сиёсий жиҳатдан таъминлаш — узоқ даврга мўлжалланган катта ва кўп қиррали ишдир. Бу ишда юзакичиликка, кампаниячиликка, бепарволикка, расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Қайта қуришнинг таъсирчанлиги, партия ва хўжалик раҳбарлигининг, одамлар билан олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишнинг савияси ҳозирги кунда дабдабали даъватлар ва ваъдалар билан эмас, балки ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш учун ресурсларни иқтисод қилиш ва тежаш учун, юксак меҳнат интизоми учун ва коммунистик ахлоқ нормаларига қатъий риоя этилиши учун курашдаги реал ютуқлар билан белгиланади.

Бутун халқнинг зўр ғайрат билан қиладиган сифатли меҳнати— экономика тараққиётини жадаллаштиришнинг, одамлар турмуш шароитларини яхшилашнинг энг асосий ва ҳал қилувчи гаровидир. Шу сабабли партия ҳар бир коммунистни, мамлакатнинг ҳар бир гражданини режаларимизни амалга ошириш соҳасидаги, совет жамиятини такомиллаштириш борасидаги, жонажон социалистик Ватанимизни равнақ топтириш соҳасидаги мана шу катта ишга фаол қўшилишга чақирмоқда.

**(«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 22 МАРТДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).**

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети 1986 йилда кўкламги экиш мавсумининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан ташкилий тадбирлар ва область пахтакорлар Советининг чигит экишни энг қулай муддатларда ўтказиш, ернинг табиий намига бир текис ва қийғос ундириб олиш юзасидан Тавсияларини маъқуллади. (Тавсиялар газетанинг 3-саҳифасида босилмоқда).

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларига КПСС XXVII съезди талаблари асосида пахтакорлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, механизаторлар ўртасида иқтисодий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, чигит экишда энг юқори кўрсаткичларга эришиш учун социалистик мусобақани авж олдириш вазифалари топширилди.

Тадбирларда колхозлар, совхозларнинг партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида коммунистларнинг экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилиш, уставдан ташқари мувaққат партия, партия—комсомол группаларини тузиш, бригадалар, участкалар, колхоз ва совхозларнинг бўлимларида партия ташкилотчиларини тасдиқлаш, колхозлар, совхозларнинг мутахассислари иштирокида янги сеялкалар ва культиваторлардан қандай фойдаланилишига бағишланган область ва зональ семинарларини ўтказиш, экиш агрегатларининг тайёрлигини текшириб қабул қилиб олиш бўйича хўжаликлараро ва бригадалараро комиссиялар ташкил этиш, шунингдек, пахта йиғим-терими мавсумидаги тажрибадан фойдаланиб чигит экиш мавсумида ҳам область партия комитети ва район партия комитетлари ҳузурида чигит экиш мавсумининг боришини оператив ёритиб бориш бўйича оммавий ахборот воситалари ишини марказлаштириш учун матбуот маркази тузиш кўзда тутилади. Область ва район газеталари саҳифаларида, телевидение кўрсатуви ва радио эшиттиришларида кўргазмали агитация воситалари ёрдамида энг яхши экипажлар, бригадалар, хўжаликлар, районларнинг чигит экишни қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш тажрибаларини кенг ёритиб бориб, дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишда оғзаки агитация кадрлари ишини активлаштиришга эришилади.

### ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕНГАШИ

22 МАРТДА Тошкент область партия комитетида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси М. Рўзиматов раислигида область пахтакорлар Советининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда 1986 йилда чигитни сифатли экишга тайёргарлик кўриш, экишни энг яхши муддатларда ўтказиш, уруғликни ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олиш масаласи муҳокама этилди.

Кенгашда Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исматов, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Алиев, Пискент районидаги «Пискент» совхозининг бош инженери Ғ. Турдиохунов, Бўка районидаги «Кремль» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Ковалева, «Облсельхозхимия» бирлашмасининг раиси П. Расулзода ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. Алимов сўзга чиқди.

*ДАЛАЛАРДА БАҲОРГИ ИШЛАР*

### УРУҒЛИК САРАЛАБ ҚЎЙИЛДИ

□ ПИСКЕНТ райони меҳнаткашлари бу йил 18 минг 436 гектар майдонда пахта етиштирадилар. Деҳқонлар айни кунларда мўл, эртаги, сифатли ҳосил етиштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу тадбирларнинг бажарилишини мутахассислар назорат қилиб бормоқдалар. РАПО ходимлари мавжуд айрим камчиликларни тугатиш учун хўжаликларга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳар гектардан олинадиган ҳосилдорлик 29 центнердан кам бўлмайди. Чигитни ернинг табиий намига ундириб олиш соғлом кўчатларга эга бўлишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда 10 минг 462 гектар майдон борона қилинди. 961 тонна уруғлик саралаб қўйилди.

Айниқса, райондаги Охунбобоев номли колхоз, «Пискент», «Партия XXVI съезди» совхозларида бу ишлар намунали ўтказиляпти.

### БОРОНА ТУГАЛЛАНМОҚДА

□ БЎКАЛИК деҳқонлар ҳам далачилик ишларини тобора қизитяптилар. Улар бу йил 64 минг 700 тонналик хирмон уйишга сўз бердилар. Район механизаторлари ишни график асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳар куни 300 гектардан зиёд майдон текисланиб, борона қилинмоқда. Шу кунгача эса 19 минг гектар майдон экишга тайёрлаб қўйилди.

Маҳаллий ўғит тўплаш ҳам давом этяпти. Ҳар куни далага 650 тоннага яқин ўғит ташиб чиқарилмоқда. Жами ҳозиргача 92 минг тоннага яқин «ер малҳами» жамғарилди.

«Октябрь 40 йиллиги», К. Маркс номли колхозларда экин майдонларининг 70 процентидан ортиғи борона қилиб қўйилди.

### НАМ ТЎПЛАНМОҚДА

БЕКОБОД. (Ўз мухбиримиздан). Мавлонов номли совхоз далаларида ҳам чигит экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Деҳқонлар бу йил 2330 гектар майдонда мўл сифатли, эртаги ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда.

Ўтган йили ҳосилдорлиги паст бўлган карталарга қўшимча ўғит солиниб, борона қилиняпти. Ҳозиргача 2 минг гектардан ортиқ ер чигит экишга тайёрланди. Уруғлик, техника воситалари экишга тахт қилиб қўйилди. Нам тўплаш мақсадида запас сув бериш давом этаяпти. Ҳозиргача 436 гектар майдон суғорилди.

Совхознинг Усмон Туранов, Сойим Қўзибоев, Қодирқул Мирзаев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригада аъзолари бу йил гектаридан 35—37 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Илғор коллективларнинг деҳқонлари экишни биринчилар қаторида бошлаш учун ўзаро мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.



● «ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол-ёшлари КПСС XXVII съезди кунлари фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва кунлик нормани 1,5—2 бараварга етказиб бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Корхона 4-цехининг илғор тикувчиси, Коммунистик меҳнат зарбдори Лутфия Алимбекова сифатли маҳсулот тайёрлаб, уни биринчи тақдим этишдаёқ топширилишига муваффақ бўлмоқда. Суратда: Л. Алимбекова иш устида.

А. Зуфаров фотоси.

### ТЎЛА ҚУВВАТДА ИШЛАМОҚДА

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Технолог»нинг станоклар паркига янги станоклар қўшилди. Рақамли программа билан бошқариладиган 17 та станокда ишга тушириш-созлаш ишлари ўтказилди. Янги машиналар тўла қувват билан ишлаб, маҳсулот бера бошлади.

**(ЎзТАГ).**

*19 АПРЕЛЬ—БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ*

### ЭНГ ЮҚОРИ УНУМДОРЛИККА ЭРИШИЛАДИ

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг ишчилари Москвадаги меҳнат коллективларининг 19 апрель куни ленинча Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар 22 март куни бўлиб ўтган митингда В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигини энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашга азму қарор қилганликларини айтдилар.

— Бу йил «Қизил шанбалик»ка тайёргарлик алоҳида мазмун касб этмоқда: КПСС XXVII съезди қарорларида олға ҳаракатимизнинг янги аниқ йўналишлари белгилаб берилди, — деди ремонт-комплектлаш цехининг слесари А. Б. Рязанов.

Ҳар бир иш жойидаги зарбдор меҳнатимиз Ленин партиясининг совет кишилари фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлигига жавобимиз бўлади.

Завод коллективи коммунистик шанбаликда смена топшириғини анча ошириб бажариш, битта локомотив секциясини тиклаш, йигирмата вагонетка, икки мингта локомотив колодкасини тайёрлаш мажбуриятини олди. Кўпгина бригада ва цехлар 19 апрель куни йил бошидан буён тежалган энергетика ресурслари ҳисобига ишлайдилар.

**(ЎзТАГ мухбири).**

### ЧИГИТ ЭКИШ МАВСУМИГА СЕЯЛКАЛАР

МОСКВАЛИК илғор саноат корхоналари коллективларининг 19 апрелда доҳий В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини пойтахтдаги «Узбексельмаш» заводи ишчи-хизматчилари ҳам биринчилар қатори қўллаб-қувватлашди. Заводда пахтачиликка мослаштирилган машина-механизмларнинг янги, серунум турларини ишлаб чиқариш бўйича изланиш давом этяпти, мавжудларининг сифати оширляпти. Кейинги йилларда корхона коллективи илғорлар қаторига чиқиб олиш билан бирга Жиззах областининг Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхози ва Тошкент областининг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатмоқда.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларидан илҳомланган узбексельмашчилар ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Шу жумладан 50 та сеялка ва гербицид соладиган 100 та мослама ишлаб чиқарилади. Шунингдек, чигит экишни кузатиб борадиган электрон қурилмали «СХУ-4» универсаль трактори сеялкалари ҳам тайёрланмоқда. Завод ишчи ва хизматчилари шанбалик куни ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ ишлаб чигит экиш мавсуми учун кўплаб ана шундай сифатли сеялкалар ва бошқа мосламалар ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. А. Абдушоҳидов бошлиқ комплекс бригада, Р. Содиқов, Б. Соломахин, С. Саидов, М. Райфуддинов каби илғор ишчилар бу куни шахсий нормаларини 1,5—2 баравар бажаришга сўз беришди.

**С. СУЛТОНОВ.**

### ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИГА

— БИЛАСИЗМИ, — дейди «Узмедтехника» экспериментал заводи базасининг директори У. Қодиров. —Ҳар бир коллективда фойдаланилмаётган имкониятлар бўлади. Ҳамма гап уларни пайқаб олиш ва ишга солишда. Кейинги пайтда партия талаблари асосида ишни қайта қураётганимизда мана шу резервлар юзага чиқаяпти. Ишчи ва хизматчиларимиз Коммунистик шанбаликда ана шу қўшимча резервларни ишга солиш туфайли тежаб қолинган материал ва хом ашё ҳисобига меҳнат қилиш режасини белгиладилар.

Мазкур коллектив ўтган йили меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан бир процент ўрнига 3 процент оширишга, маҳсулот таннархини эса 0,5 ўрнига 0,6 процент камайтиришга муяссар бўлган эди. Бу йил ундан ҳам юқори марралар кўзланган. Жумладан, қўшимча 20 минг сўмлик иш бажарилади, тармоқ корхоналари учун 4 та стандарт ишлаб чиқилади. Ҳозирги кунда мавжуд 16 та бригаданинг 11 таси пировард натижага қараб ягона наряд асосида ҳақ тўланадиган системада ишламоқда. Ўтган йили иқтисод қилиб қолинган материаллар ҳисобига икки кун ишлаб, 23 минг сўмлик қўшимча фойда кўрилган эди. Бу йил ҳам Коммунистик шанбаликда ана шу тежалган материаллар ҳисобига ишлайдилар. Йил давомида эса 20 минг киловатт электр қуввати, 1200 гигакалорий иссиқлик энергияси, 20 минг тонна газ ёнилғиси, 1,05 тонна қора прокат тежалади.

**Ш. ТАЛАЕВ.**

## КПСС XXVII съезди материалларини ўрганишга доир

*(Машғулотлар плани)*

КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига мувофиқ, меҳнаткашларнинг партия ва комсомол сиёсий ўқиши, иқтисодий таълими системасида съезд материалларини ўрганишни ташкил қилиш тавсия этилади: сиёсий ва иқтисодий мактабларнинг турли формаларида 8—9 та машғулот, партия-хўжалик активи семинарлари, мактабларида, марксизм-ленинизм университетларида 5 та машғулот ўтказиш планлаштирилмоқда. Қуйида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Бутуниттифоқ сиёсий маориф уйи тайёрлаган машғулотларнинг намунали плани эълон қилинмоқда. Методик тавсиялар «Политическое самообразование» журналида ва «Экономическая газета»да босиб чиқарилади.

**I ТЕМА. КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҲОЗИРГИ ДУНЁНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ЗИДДИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

1. Жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари.

2. Ҳозирги дунёнинг асосий зиддиятлари.

3. Бутун планета миқёсида давлатлар ва халқларнинг амалий, бунёдкорлик руҳидаги баҳамжиҳат ҳаракатини йўлга қўйиш зарурати.

**II ТЕМА. МАМЛАКАТНИ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ПАРТИЯНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎЛИ**

1. Социал-иқтисодий ривожланиш якунлари ва уни жадаллаштириш зарурати.

2. Иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари. Ўн иккинчи беш йиллик — партия иқтисодий стратегиясини амалга оширишнинг жуда муҳим босқичи.

3. Социал сиёсатнинг асосий йўналишлари.

**III ТЕМА. ЖАМИЯТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ХАЛҚНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ**

1. Демократизм, меҳнаткашларнинг жонли ижодкорлиги — янги тузумни ривожлантиришнинг бош кучи.

2. Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини изчил ва муттасил ривожлантириб бориш.

3. Давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш.

**IV ТЕМА. ПАРТИЯ ТАШҚИ СИЁСИЙ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

1. Ядровий хавф-хатарга, қуролланиш пойгасига қарши, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш — жаҳон майдонида КПСС фаолиятининг бош йўналиши.

2. Тинчлик, ақл-идрок ва холис ният потенциалини кенгайтириш ва кучайтириш.

3. КПСС XXVII съезди халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш тўғрисида.

**V ТЕМА. ПАРТИЯ РОЛИНИНГ, УНИНГ СИЁСИЙ, ИДЕОЛОГИК ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ САВИЯСИНИНГ ОШИШИ. КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ**

1. КПСС XXVII съезди партия ишини тубдан қайта қуриш ҳақида, партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини янада ошириш тўғрисида.

2. Партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун, принципиал кадр сиёсатини амалга ошириш учун тинимсиз курашиш зарурлиги.

3. Идеологиянинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш вазифалари.

4. КПСС XXVII съездининг асосий якунлари ва тарихий аҳамияти.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Ҳисоблаш техникаси ва информатика умумиттифоқ давлат комитетини тузди.

# ЧИГИТ ЭКИШНИ ВАҚТИДА ЎТКАЗИБ, ЕРНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА ТЎЛА УНДИРИБ ОЛАЙЛИК

**ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ 1986 ЙИЛДА ЧИГИТ ЭКИШНИ ЭНГ ЯХШИ МУДДАТЛАРДА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН УТКАЗИШ, ЕРНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА БИР ТЕКИС ВА ҚИЙҒОС УНДИРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН**

## ТАВСИЯЛАРИ

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини кўтаринки руҳ билан тўла маъқуллаб кутиб олдилар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашни авж олдирмоқдалар. Пахтакорларимиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Сиёсий докладини ўзларининг бундан буёнги ишлари учун жанговар программа сифатида қабул қилдилар ва СССРнинг Озиқ-овқат программасининг бажарилишига пахта етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан агросаноат барча бўлинмаларида ишларни уюшқоқлик билан пишиқ-пухта ташкил этилишига, экишнинг қисқа муддатларда ва юқори сифатли ўтказилишига боғлиқдир.

Тадбирлар комплексида кишиларга ишни тўғри тақсимлаш муҳим ўрин тутади. Бунда коммунистлар ролини ошириш зарурдир. Улар ишнинг масъулиятли участкаларини бошқариб, тадбирларни сифатли бажаришда ижодий ташаббус кўрсатишлари керак.

Ҳар бир хўжаликдаги, бригададаги тупроқ шароитига қараб чигит экишга тайёргарлик кўриш ва бу ишни муваффақиятли якунлаш юзасидан барча тадбирлар комплексини қисқа муддатларда тугаллашга қаратилган конкрет календарь иш плани икки-уч кун ичида тузиб чиқилиши керак.

Дала шийпонларини яқин кунлар ичида ремонтдан чиқариб, тўла жиҳозлаш лозим. Чигит экиш билан банд бўлган механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари учун иссиқ овқат тайёрлаш, намунали медицина, савдо ҳамда маиший хизмат уюштириш ва уларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун бошқа зарур шароитларни яратиб бериш керак.

Область пахтакорлар совети тайёргарлик ишларининг ўз вақтида ва сифатли тугалланиши ҳамда чигитни эрта муддатларда уюшқоқлик билан экиб уруғликни ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олинишига эришиш мақсадида қуйидаги ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирлар комплексининг амалга оширилишини тавсия этади.

### СУВСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Куз ва қишнинг иқлим шароити суғориладиган деҳқончилик учун ноқулай келди. Бу даврда ёғингарчилик нормадагидан ва ўртача кўп йиллик кўрсаткичлардан 50—60 процент кам бўлди. Тупроқда нам кам, тоғ ва сув омборларидаги запаслар ҳам чегараланган. Бу қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги органлари, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан сувсизликка қарши кураш асосида конкрет тадбирларни пухта тузиб чиқиш ва изчиллик билан амалга оширишни талаб этади. Барча сув тармоқларини тозалаш ишлари сифатини, каналларга бетонларнинг қандай ётқизилганлигини, сув иншоотлари ва насос-куч қурилмалари қандай ремонт қилинганлигини, сувнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш имкониятларини яна бир бор синчиклаб кўздан кечириш ва таҳлил этиш керак. Тупроқнинг пастки қатламларидаги фойдали намни имкони борича сақлаб қолиш ва кўпайтириш, барча сув манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Ҳар бир хўжаликда карталар бўйича нам кам, чигитни тўла ундириб олиш мумкин бўлмаган ерлар аниқланиши ва бундай майдонларга тупроқни юмшатиш мақсадида запас сув берилиши керак.

Қўшимча сув манбалари қидириб топишга қаратилган тадбирлар кўрилсин. Шу мақсадда булоқлар, оқова сувлари, коллектор сувларидан фойдаланишни йўлга қўйиш, бундай ерларга етарли миқдорда насослар ўрнатиш талаб этилади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ҳар бир хўжаликда талаб қилинган миқдорда сувчиларни комплектлашни тугаллаш керак. Суғоришнинг илғор усулларини ўргатиш юзасидан уларнинг ўқувини ташкил этиш зарур. Шунингдек, сувдан тежамли фойдаланиш, суғоришни сифатли ўтказиш бўйича сувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг таъсирчан усулларини ташкил этиш, сувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини белгилаш ҳам ғоят муҳимдир.

Бекобод райони хўжаликларининг тажрибаси асосида чигитни пуштага экишни иложи борича кўп майдонларда жорий этиш зарур.

Сув камчил бўлиши кутилаётган бу йилги шароитда бу усул сувдан тежамли фойдаланиш ва чигитни бир текис ҳамда қийғос ундириб олиш имкониятини беради.

### ЕР ВА ТЕХНИКАНИ ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Далалар ва экиш агрегатларини ишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш чигит экишни қисқа муддатларда сифатли экиб олишга эришишда ғоят муҳим роль ўйнайди.

Бу йилги шароитда тупроқда намни сақлашга ниҳоятда эътибор бериш зарур. Бу ишда нам бостириш тадбирларини иложи борича тезроқ муддатларда амалга ошириш биринчи навбатдаги ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Шунинг учун ҳам боронани сифатли тайёрлашга ва бу механизмни агрегатларга тўғри жойлаштиришга эътибор бериш зарур. Бороналар ўткир тишли қисмлар билан тўла комплектланган бўлиши керак. Тупроқнинг қандай юмшатилганлигига қараб қайта борона ўтказиш зарур. Иложи борича далалардан тракторлар ва бошқа механизмларнинг ортиқча юришига йўл қўймаслик керак. Ана шунда тупроқнинг зичланиб кетиши ва структурасининг бузилиши олди олинади.

Серкесак оғир тупроқли далаларни дискалашни бир йўла бороналаш билан бирга қўшиб ўтказиш зарур. Кўп йиллик бегона ўтлари бор бўлган далалар 8—10 сантиметр чуқурликда ёппасига культивация қилиниши ва сўнг бегона ўт илдизлари териб олиниб, бир четга чиқариб ташланиши шарт. Ҳамма ерда далаларнинг, карталарнинг этакларини чизеллаш, дискалаш ишларини ҳар гектарига 25 тоннадан ҳисобдан чиритилган гўнг солиш иши билан қўшиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Тупроқни экишга тайёрлаш олдидан далаларни жорий текислашга алоҳида эътибор бериш керак. Қолиб кетган пушталар, паст-баландликлар текислаб юборилиши керак. Шу кунларда барча хўжаликларда мавжуд механизмлар, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмларнинг ерларни тайёрлаш ва экишга қандай шай қилиб қўйилганлигини яна бир бор синчиклаб текшириб чиқиш муҳим вазифадир. Экиш агрегатлари ва ҳайдов тракторларини ишни юқори унумдорлик билан икки сменада ташкил этишни кўзда тутган ҳолда тажрибали механизаторлар билан комплектлаш, уларнинг ўқувини ва амалий машғулот ўтказишларини ташкил этиш керак.

Ерни экишга тайёрлаш, экишни уюшқоқлик билан ва сифатли ўтказиш юқори унумдорликка эришиш юзасидан экипаж аъзолари ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириш лозим. Моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари белгилаб чиқилсин.

### ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Чигитни бир текис ва тўла ундириб олиш, илдиз чириш касаллиги, ниҳолларнинг кузги тунлам ва бошқа зараркунанда ҳашаротлар ҳамда бошқа касалликлардан сақлашда уруғликни экиш олдидан тайёрлаш ва намлашнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам бу ишга алоҳида эътибор бериш зарур. Маълумки, уруғлик чигитларнинг ҳаммаси пахта заводларида турли хил ҳашаротлар ва касалликларга қарши фентиурам препарати билан дориланган бўлади. Экиш олдидан намлаш пайтида чигитдаги ана шу дориларнинг ювилиб кетмаслиги тадбирлари кўрилиши керак. Шунинг учун ҳам бу ишни ҳар бир хўжаликда марказлаштирилган ҳолда асфальт ёки бетон ётқизилган майдонларда ўтказиш тавсия этилади. Уруғликларни намлаш ва тайёрлашда хўжаликлардаги мавжуд механизациялаштирилган мосламаларни кенг қўллаш керак. Тукли чигитни намлаш икки босқичда: биринчи марта бир тонна қуруқ чигитга 350 литр сув сарфланиб, иккинчи марта брезент ёки полиэтилен плёнкаси остида 6—8 соат 350 литр сув сарфлаб димланади. Чигитни ўраларда ивитиш ёки намлаш, бригадаларга бўлиб бериш қатъиян таъқиқланади. Уруғликни кунлик эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда оздан-оздан тайёрлаб бориш, уни офтобда қиздиришни кенг қўллаш керак. Туксизлантирилган чигитларни намлаш тавсия этилмайди. Туксиз чигитлардан бир гектарга сарфлаш нормаси 30—35 килограммдан, тукли чигит эса қатор оралари 60 сантиметр қилиб экилса 70 килограмм, 90 сантиметр экилганда 60 килограмм сарфлаш норма қилиб белгиланади. Лекин шуни ҳам унутмаслик кераки, уруғликнинг сифатига қараб, нормага озми-кўпми ўзгартириш киритиш мумкин.

### ЧИГИТ ЭКИШ ПАЙТИДА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ҳар бир хўжаликда чигит экишни қулай ва қисқа муддатларда муваффақиятли ўтказилиши учун яқин кунларда бригадаларга бириктиб қўйилган экиш агрегатлари етарлими ёки етарли эмаслигини яна бир бор текшириб кўриш, бу агрегатларни ишни икки сменада ташкил этишни кўзлаган ҳолда тажрибали механизаторлар билан комплектлаш лозим. Ҳар бир экиш агрегатига тўғри келадиган майдон 50—55 гектардан ошмаслиги керак. Ана шунда битта тракторчининг ўзи ҳам чигит экиш, ҳам ғўзани парвариш қилиш ҳамда бириктирилган майдондаги ҳосилни ҳам ўзи териб олиш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир карталар бўйича тракторларнинг экиш пайти ва ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайтида кириб чиқадиган жойларини тўғри аниқлаб қўйиш ҳам муҳимдир. Бу тадбир гектарларда кўчат қалинлигининг мўлжалдагидек сақланиб қолишига ёрдам беради.

Тракторларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни бевосита иш жойларининг ўзида амалга ошириш керак. Экиш агрегатлари ва бошқа техникаларга қаровни, аниқланган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирларни иложи борича ишдан сўнг кечки пайтларда кўчма устахоналар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай устахоналар зарур миқдордаги запас қисмлар, пайвандлаш агрегатлари билан таъмин этилган, малакали слесарь-созловчилар билан комплектлашган бўлиши шарт.

Барча районларда механизаторларни янги техника ва айниқса, «СХУ-4» сеялкаси билан таништириш мақсадида семинарлар ўтказиш керак бўлади. Чунки, бу сеялка ишлатиладиган майдонлар ниҳоятда текис бўлиши талаб этилади. Ана шунда сеялканинг сошниклари руликни ерга бир текис қадаб кетади.

Тупроқда самарали ҳароратнинг тўғланиши учун қулай келган ҳар бир кун ғаниматдир. Экишни барвақт бошлашга йўл қўйиб бўлмаганидек уни кечиктириб юбориш ҳам мумкин эмас. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, тупроқнинг 10 сантиметр пастки қатламида ҳарорат 14—16 даражага етганида экишни бошлаш учун энг қулай муддат келган ҳисобланади.

Бу мақсадга эришмоқ учун ҳар бир бригадада махсус кишиларни ажратиб қўйиш, уларни тупроқнинг ҳароратини ўлчайдиган термометрлар билан таъминлаш керак ва улар ҳар куни тупроқдаги ҳароратни ўлчаб борсинлар, қулай шароит вужудга келганлиги аниқланган заҳоти дарҳол чигит экишга киришиш зарур.

Чигит экиш пайтида бир йўла минерал ўғитлар солиш мўл эртаги ҳосил олишнинг муҳим шартидир. Бу йилги шароитда бу илғор агротехникани кенг қўлланиш тавсия этилади. Бунда азот миқдори тупроқнинг унумдорлигига қараб гектар ҳисобига 30-40 килограмм, фосфор 25-30 килограмм бўлиши керак.

### ГЕРБИЦИДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Экиш бошлангунга қадар гербицидларни бригадаларга тақсимлаб чиқиш, бунда гектарига қанчадан сарфлаш нормаларини ҳисобга олиш, гербицидларни полиэтилен халтачаларга солинган ҳолда тақсимлаш керак. Экиш билан бир йўла ерга қанча гербицид солиш нормасини об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда белгилаш керак бўлади. Тупроқда нам кўпроқ бўлса:

қатор оралари 60 сантиметр қилиб экилганда енгил тупроқли майдонларга гектарига 1,1—1,2 килограммдан которан, оғир тупроқли майдонларга 1,3—1,5 килограммдан гербицид солиш, бунда 1 гектарига 190—200 литр суюқлик сарфлаш;

қатор оралари 90 сантиметр қилиб экилганида енгил тупроқли майдонларга которандан гектарига 0,8 — 0,9 килограмм, оғир тупроқли майдонларга 1,2—1,3 килограммдан, ҳар гектарига 140—150 килограмм суюқлик сарфлаш тавсия этилади.

Агар ерда нам етарли бўлмаса тупроқнинг ҳар хиллигини ҳисобга олиб гербицид сақлаш нормасини 20—25 процент кўпайтириш мумкин. Ҳар бир бригадада гербицид суюқликлари тайёрлаш учун етарли миқдорда идишлар бўлиши ва водопровод тармоқлари ёки артезиан сувлари олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиши шарт. Барча районлар ва хўжаликларда бу ишларни амалга ошириш учун масъул бўлган кишилар конкрет равишда белгилаб қўйилиши керак. Экиш бошлангунга қадар улар учун семинарлар ўтказиб унда гербицидларни қўлланиш усулларини намойиш этиш лозим. Гербицидларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида шунингдек, ғўза ниҳолларига зиён етказмаслиги учун уни қўлланиш технологиясига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Барча мавжуд ПГС агрегатлари иш бошланишидан олдин малакали мутахассислар томонидан гербицид суюқликлари 20—25 сантиметр кенгликда пуркалиши назарда тутилиб, созланиши керак. Баклардаги босим доимо 2,5—3 атмосфера даражасида ушлаб турилиши лозим.

### ЭРТАГИ ЧИГИТ ЭКИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Экиш бошланишидан олдин ҳар бир бригадада барча далалар экишга тайёрлаб қўйилган бўлиши зарур.

Шу муносабат билан экиш бошланишидан 2—3 кун аввал далаларнинг тайёргарлигини текшириб чиқиш ва сифат комиссияларининг акти бўйича бу далаларни бригадирлардан қабул қилиб олиш керак.

Агарда уруғлик яхши тайёрланган, сеялкалар пухта созланган, тупроққа яхши ишлов берилган ва нами етарли сақлаб қолинган бўлса, бундай майдонларга экилган чигит эрта муддатларда ва қийғос униб чиқади.

Апрель ойининг учинчи ўн кунлигидан кечикмасдан чигитни ернинг табиий намига тўла ундириб олиш кўчатларни бир текис ва бут бўлишини таъминлаш, бунинг учун эса ҳамма ерда чигит экишни вақтида ва сифатли тугаллаш бош вазифадир.

Уруғлик чигитни ерга бир текис ва тўғри солиб кетиш кўчатларнинг бир текис бўлиб чиқишида катта аҳамиятга эгадир. Бунга ҳар бир картанинг қандай тайёрланганлиги ва тупроқдаги нам даражасига қараб эришилади, албатта.

Ҳамма ерда экиш пайтида қаторларнинг тўғри чиқиши, эгат ораларининг бир хил кенгликда бўлишини алоҳида назорат қилиш талаб этилади. Карта этаклари ва агрегатлар қайриладиган ерларга кўндаланг чигит экиш таъқиқланади. Чунки, бу ҳолда кўчатлар сийрак бўлиб қолиши мумкин. Ҳамма ерда бундай участкаларга чигитни узунасига экиш зарур. Бунда тўрт қаторга чигит сеялка ёрдамида экилса, тўрт қаторига қўлда экилади. Экиш билан бир йўла суғориш эгатларини ҳам олиб кетиш зарур.

Карта этаклари, ўқариқлар, симёғочлар, тут дарахтлари атрофларига ҳамма ерда чигитни қўлда экиб чиқиш керак. Бу гектарларнинг тўлалигини таъминлайди.

Область пахтакорлар совети колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, область қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет органлари раҳбарлигида чигит экишни ўз вақтида ва сифатли, қисқа муддатларда ўтказадилар, барча майдонларда чигитнинг бир текис қийғос униб чиқишига эришадилар. 1986 йил учун белгиланган давлатга пахта сотиш мажбуриятининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган миқдорда мўл ҳосил етиштирадилар деб қатъий ишонч билдиради.

**Тавсиялар область пахтакорлар советининг 1986 йил 22 мартда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилиниб, маъқулланди.**

---

*Хотира куни олдидан*

## ТАРБИЯВИЙ ИШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Бунинг замирида фарзандлар ота-оналар ҳаётининг давомчиси деган маъно ҳам ётади. Дарҳақиқат, отаси ҳам, онаси ҳам эл-юрт олқишига сазовор бўлган оилаларда ножўя хулқ-атворли, манфаатпараст, худбин ёхуд манманликка берилган ўғил-қизлар пайдо бўлганлиги тарихда маълум эмас. Аксинча, бу хил оилалардан элпарвар, меҳнатсевар, камтар, ташаббускор, маънавий баркамол авлод етишиб чиққанига мисоллар кўп.

Зеро:

**Ота иши сингса ўғлига агар,**
**Унинг хулқ-атворида бўлар жилвагар.**
**Оқ сут билан сингса қайси бир қилиқ,**
**Ўлим келмагунча ўзгармас йўриқ,** —

деган эди қадимги шоирлардан бири.

Республикамизда бу йил биринчи марта ўтказилаётган хотира куни бундан буён ёш авлодни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашдаги энг таъсирчан тадбирлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш кераки, хотира куни фақат ўтганларни эслаш маросимигина эмас. Тўғри, Ватан равнақи, халқ бахт-саодати, эл-юрт ободлиги, революция идеалларини ҳимоя қилган кишилар доимо ардоқда. Аммо хотира кунининг асосий мақсади ҳозирги авлодимизни ўша идеаллар руҳида, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик руҳида тарбиялашдир.

Биз ўтмишда «азиз авлиёлар» хотирасига уюштирилган ҳар хил маросимларни яхши биламиз. Бугина эмас, катта шаҳарлардаги алоҳида қабристонларга бағишланган махсус китоблар ҳам бўлган. Шундай китоблардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг китоб фондларида ҳам мавжуд. Бу китоб «Бақандия» деб номланиб, 1909 йилда Самарқанд шаҳрида чоп этилган. Араб алифбесида ва форс тилида ёзилган бу каттагина китобнинг нима мақсадда тузилгани ва кимларга хизмат қилганлиги ҳаммага маълум, албатта. Бироқ ҳозирги кунда хотира куни муносабати билан қабристонларни тартибга келтириш, ободонлаштириш ҳақида сўз юритилар экан, бундан кутилаётган мақсад ҳам ҳаммага равшан: шу қабристонга дафн этилган таниқли, эл-юрт эътиборига сазовор бўлган кишилар хизмати, жасорати билан ёшларни таништириш ва уларни ўтган авлоднинг шонли, ибратли анъаналари руҳида тарбиялашдир.

**Б. ТЎХЛИЕВ,**
**филология фанлари кандидати.**

## УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ЁШЛАРГА ЎРНАК

ОҲАНГАРОН — фақат Тошкент областининг эмас, балки Ўзбекистоннинг қадимий, ўзига хос бой тарихга эга бўлган воҳаларидан биридир. Инқилоб тўлқинлари биринчилар қатори етиб келган бу воҳада Совет ҳокимиятини ўрнатиш, ер ислоҳотини ўтказиш, дастлабки коллектив хўжаликларни барпо этишда жонбозлик кўрсатган фидоий кишилар оз эмас. Жумладан, районда биринчи бўлиб комсомол ташкилотини тузган, ёшларни янги турмуш учун курашга отлантирган Ҳабибулла Майскийнинг ҳаёти ҳозирги авлодлар учун ибрат бўларлидир. Бироқ бу тарихий шахс ҳақида ҳозирги оҳангаронлик ёшлар деярли ҳеч нарса билишмайди.

Оҳангарон водийсида босмачиларга қарши курашда «Облиқ фронти» деб ном олган фронтга машҳур саркарда М. В. Фрунзе томонидан юборилган истеъдодли чекист Фёдор Ковалев раҳбарлик қилиб, 1931 йилдаёқ 15 дан зиёд босмачилар тўдасини тор-мор этди. Афсуски, бу фидокор чекист ҳақида ҳам оҳангаронликлар етарли маълумотга эга эмаслар.

1947 — 1948 йилларгача Оҳангарон воҳаси безгак касалининг ўчоқларидан бири бўлиб келган. Ўша пайтдаги таниқли санитария врачи Ананий Иванович Бодячевскийнинг актив ҳаракати билан бу касаллик бутунлай тугатилди. Маҳаллий кадрлар орасидан чиққан Юнус Нурмуҳамедов 1929 йилдаёқ шу ерлик дастлабки олий маълумотли зиёли бўлди. У районда янги усулдаги совет мактабларини очиб, халқ маорифини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатди.

Коллективлаштириш ҳаракатининг актив ташкилотчиларидан бўлиб, кейинчалик колхозларга, қишлоқ Советларига узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган Норали Эшов, Рўзибой Қўзиев, Абдулла Олтибоев, Умурзоқ Аҳмедов, Алибек Қўшоқов, Майрам Қурдошева, Майрам Ҳайитқулова, Бойтўра Бозоров, Ўткир Зулфиев, Иброҳим Нишонов, Анорбой Рустамов, Қосим Ботиров, район партия комитетининг дастлабки биринчи секретари Яхё Иброҳимов, район Совети ижроия комитетининг биринчи раиси Холтўра Эшназаров, «Оҳангарон» газетасининг биринчи редактори Иброҳим Алиев ва бошқалар номи бугунги кунда ҳурмат, эъзоз билан эслашга арзирлидир.

Бизнингча, Оҳангарон водийсининг бугунги куни учун ҳаётини, куч-қувватини аямай курашган бундай кишиларнинг ҳеч бўлмаса айримлари номини абадийлаштирса арзийди. Шунингдек, мактаблардаги тўгаракларда, синфдан ташқари машғулотлар пайтида уларнинг ижтимоий ҳаёти ва меҳнат фаолиятлари ўрганилса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Яна бир истак. Ҳанузгача Оҳангарон шаҳрида унинг тарихини акс эттирувчи музей йўқ. Холбуки, 1970 йилда район тарихини яратиш бўйича махсус комиссия тузилган эди. Аммо бу комиссия ҳанузгача кўзга кўринарли бирор иш қилмади.

**М. ҚАЮМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

---

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

✦ НЬЮ-ЙОРК. Массачусетс штатидаги Гарвард университетида врачларнинг митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Рейган маъмуриятининг Совет Иттифоқи эълон қилган ядро қуроли синовларини тўхтатиш таклифига қўшилишдан бош тортганлигини қоралайдилар. «Врачлар социал масъулият учун курашмоқдалар» миллий жамоат ташкилоти Бостон бўлимининг раиси Томас Грэйбойз митингда сўзга чиқиб, бундай деди: «АҚШнинг Совет ташаббусига жавоб қайтаришни истамаётганлиги мантиққа мутлақо тўғри келмайди, бундай истамаслик ҳеч нарсага асосланмаган, уни оқлаш ҳам мумкин эмас». Митинг қатнашчиларидан 200 га яқин киши АҚШ маъмуриятини ядро қуроли синовларини тўла ва батамом тақиқлаш тўғрисида шартнома тузиш юзасидан СССР билан музокараларни дарҳол бошлаб юборишга даъват этди.

✦ ПАРИЖ. Франция пойтахтининг қоқ марказида, Елисей майдонларидаги савдо расталарида бомба портлади. Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш натижасида йигирмадан кўпроқ киши жароҳатланди.

✦ БОГОТА. Ўқитувчиларнинг забастовкаси натижасида Колумбия пойтахтидаги олий ўрта ўқув юртларининг аудиториялари ва синфхоналари ҳувуллаб қолди. 5 мингдан кўпроқ ўқитувчи иш ҳақининг оширилишини, социал таъминотнинг яхшиланишини, маориф эҳтиёжлари учун давлат ажратаётган маблағларнинг кўпайтирилишини талаб қилмоқда.

✦ ТОКИО. Бангкокдан олинган хабарларга кўра, ўқув юртларининг студентлари бу ерда Америкага қарши намойиш ўтказганлар. Улар плакатлар кўтариб АҚШ элчихонаси ёнига борганлар ва элчихона вакилларига баёнот топширганлар. Бу баёнотда Вашингтон маъмурияти чет мамлакатлардан келтириладиган қишлоқ хўжалик молларига нисбатан 15 апрелдан бошлаб камситувчи чоралар жорий этишига қарши норозилик изҳор қилинган. Намойиш иштирокчилари тайёрланаётган чора қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган Таиланд экономикасига жиддий зарба бўлиб тушади, деҳқон хўжаликларининг ялпи хонавайрон бўлишига олиб келади, дейишди. Студентлар АҚШнинг адолатсиз сиёсатига қарши намойишлар март ойининг охиригача давом этишини маълум қилдилар.

**(ТАСС).**

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ САНО. Яман Араб Республикасининг аҳолиси 9.274.173 кишига етди. Мамлакат тарихидаги иккинчи ялпи аҳоли рўйхати шундай натижани кўрсатди. Шимолий Яман пойтахти — Сано шаҳрида, ўша маълумотларга кўра, 477 минг аҳоли яшайди.

✦ АНҚАРА. Транспорт ҳодисаларининг ва йўллардаги аварияларда нобуд бўлаётган кишиларнинг кўплиги жиҳатидан Туркия дунёдаги олдинги ўринлардан бирида туради. Автомобиль фалокатлари ҳар йили мамлакатга ва турк гражданларига жуда катта зиён етказмоқда. «Миллиёт» газетасининг хабар қилишича, кейинги ўн йил ичида мамлакатда 461 мингта йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги қайд этилди, уларнинг натижасида 50 мингга яқин киши ҳалок бўлди, 325 минг киши эса жароҳатланди ва майиб бўлди. Авариялар оқибатида 270 миллиард турк лираси миқдорида зарар етди.

**(ТАСС, 24 март).**



**Немис касаба союзлари бирлашмасининг чақириғи билан Германия Федератив Республикаси шаҳарлари ва индустрия марказларида «Меҳнаткашларнинг иш ташлаш ҳуқуқларидан қўлингни торт!» шиори остида оммавий намойишлар ва норозилик маршлари бўлиб ўтди. Мамлакатнинг кўпгина йирик концернлари, кичик фабрикалар ва заводларда конвейерлар, станоклар ва механизмлар тўхтаб қолди. ГФР ишчилари ва хизматчилари ҳукумат ва йирик капиталнинг ўзларининг иш ташлаш ҳуқуқларини анча чеклашга қаратилган уринишларига шундай жавоб бердилар. Суратда: Килда намойишлар вақтида.**

ДПА—ТАСС телефотоси.

## КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

✦ ҚОҲИРА. Саудия Арабистонининг пойтахти Ар-Риёд шаҳрида араб шаҳарлари ташкилотининг саккизинчи ялпи конференцияси очилди. Бу регионал бирлашмага араб давлатларининг пойтахтлари, катта-катта саноат, савдо-сотиқ марказлари, шунингдек вилоят марказлари, жами 350 га яқин шаҳар аъзо бўлган. Конференциянинг иши чоғида олимлар ва мутахассисларнинг шаҳар маҳкамалари учун ҳаётий муҳим проблемалар: шаҳарларни маданий ва социал ривожлантириш, транспорт, кўчаларни ободонлаштириш, озода сақлаш ва кўкаламзорлаштириш, аҳоли учун дам олиш зоналарини барпо этиш проблемалари юзасидан қилган докладлари тингланади.

**(ТАСС, 24 март).**

## ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

✦ НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда АҚШнинг Преториядаги ирқчи режим билан «амалий ҳамкорлик» сиёсатига қарши «Апартеид сиёсати йўқолсин!», «Никарагуа эмас, балки Жанубий Африка Республикаси бойкот қилинсин!», «УНИТА ташкилотига мансуб бандитларга ҳеч қандай ёрдам берилмасин!» деган шиорлар остида оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишни Африкага ёрдам бериш Америка комитети ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотлари мамлакатда ўтаётган апартеидга қарши ҳаракатлар миллий ҳафталиги доирасида, Шарпевилда (ЖАР) ўтказилган африкаликлар тинч намойиши қатнашчиларидан қонли ўч олинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан ташкил этди. Жамоатчиликнинг жанубий африкалик ирқчилар ва уларни қўллаб-қувватлаётган Вашингтон маъмурияти жиноятларини қораловчи бундай намойишлари Провиденс, Бостон ва Чикаго шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Бундай намойишлар Қўшма Штатларнинг бошқа ўнлаб шаҳарларида, мамлакатнинг кўпгина университетлари ва коллежларида ҳам ўтказилади.

**(ТАСС, 24 март).**

# ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

СССР ХАЛҚЛАРИ IX СПАРТАКИАДАСИ ОЛДИДАН

## ЎЗГАЛАР СОЯСИДА

**Йирик халқаро мусобақаларда, чемпионат ва турнирларда Ватанимиз спорт шарафини муносиб равишда ҳимоя қилиб, юқори кўрсаткичларга эришаётган республикамиз, областимиз вакиллари номини кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, спортнинг гимнастика, оғир атлетика, кураш, бокс, мерганлик, сузиш ва бошқа турларида дуруст натижаларга эришилаётир. Лекин шундай спорт турлари ҳам борки, уларда ғалабалар ҳақида гапириш уёқда турсин, терма командалар составига тавсия этиладиган спортчилар топилмайди. Стол тенниси ана шулардан биридир.**

Стол тенниси

Ортиқча ҳаражатларсиз оммалаштирилиши мумкин бўлган спортнинг бу тури бўйича мусобақалар кейинги йилларда аҳён-аҳёнда ўтказилмоқда. Буни стол теннисн олимпиадага киритилмаганлиги, Бутуниттифоқ спорт ўйинларида ҳам теннисга жиддий эътибор берилмаганлиги билан оқламоқчи бўладилар.

Лекин 1988 йилда ўтказиладиган олимпиада ўйинларида теннисчилар қатнашадиган бўлдилар. Кичик ракетка усталари бу ўйинларда 4 та олтин медаль учун курашадилар.

Шунинг учун СССР спорт комитети 1985 йилнинг май ойида совет спортчиларини 1988 йил олимпиада ўйинларига тайёрлаш ҳамда стол тенниси терма командасини тузиш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Шундан сўнг республика кўнгилли спорт жамиятлари, область спорт комитетлари ҳам бу қарордан тўғри хулоса чиқариб, ўзларининг стол теннисига бўлган муносабатларини бирмунча ўзгартиришлари кутилган эди.

Турли кўнгилли спорт жамиятлари ва спорт комитетларининг берган маълумотлари асосида тайёрланган статистик ахборотда бугунги кунда республикамизда стол тенниси билан 180 минг киши шуғулланаётганлиги қайд этилган.

Лекин аслида бу рақамнинг тўғри эканлигига ишониш қийин.

СССР халқлари IX спартакиадасига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда резервлар, тажрибали тренер-мутахассислар ҳақида нима дейиш мумкин? Аввало, тренерлар ҳақида.

Стол теннисини оммалаштириш борасида жонбозлик кўрсатаётганлар ҳақида сўз очилар экан, аввало, тошкентлик мураббийлар М. Шмуклер («Спартак»), Ю. Мохов («Буревестник»), А. Сухарьков («Меҳнат»)ларни тилга олиб ўтиш керак. Шунингдек, Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг жонкуяр спорт тренери Е. Ким ҳам тайёрлаётган спортчилар мусобақаларда яхши қатнашаётганлигини эслаш ўринли.

Яқинда стол тенниси бўйича ўтказилган республика кубок мусобақалари резервларнинг ўзига хос кўриги бўлди. Турли группаларда ўтказилган баҳсларни кузатган республикамизнинг етакчи мутахассислари спортчиларнинг тайёргарлик даражаси ва қобилиятига қараб СССР Халқлари IX спартакиадасида республика спорт шарафини ҳимоя қиладиган терма командага номзодларни танлаб олдилар. Очиғини айтганда бундай спортчилар кўп эмас. Уларнинг «география»си эса янада тор. Тошкентликлардан «Спартак» вакиллари А. Кулаков, А. Полегаев, Б. Шакаров, «Буревестник» спортчиси Р. Эшмуҳамедов, Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг вакили Г. Цой шулар жумласидандир. Тошкентлик спартакчилар Т. Матвеева, Т. Юрченко, Коммунистик райони вакили С. Ковалёва, бухоролик Г. Шарафова ва фарғоналик Е. Манк аёллар терма командасига номзод бўлдилар.

Кўриниб турибдики, терма командага номзодлар орасида «Меҳнат резервлари» ва бошқа қатор кўнгилли спорт жамиятларининг, Тошкент областининг бошқа шаҳар ва районларининг вакиллари йўқ. Бу эса жойларда стол тенниси бўлимлари ёмон ишлаётганлигидан далолат беради. «Локомотив» Ўзбекистон Советида эса теннисчилар билан ишлаш масаласи мутлақо унутилиб юборилди. Натижада республика терма командасига номзод танлаш имконияти чекланиб қолди. Кўрсаткичлар ҳам пасайиб кетди. Куни кеча Иркутск шаҳрида стол тенниси бўйича СССР чемпионати ниҳоясига етди. Чемпионатда эркакларимиз умумкоманда ҳисобида 15-, аёлларимиз эса 11-ўринни эгаллашди, холос.

Область спорт комитети пешқадамлар ҳисобига сояда қолиб кетаётган район ва шаҳар спорт ташкилотлари билан жиддийроқ шуғулланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республика терма командаси СССР Халқлари IX спартакиадасига тайёргарлик кўраётган шу кунларда ўқув машғулотлари учун шароит йўқлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Мана 10 йилдирки, стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма командаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган базада, 50-мактабнинг спорт залида шуғулланишга мажбур. Ваҳоланки, бир вақт бу масала кўтарилганда мутасадди ташкилотлар яқин кунлар ичида терма команда ихтиёрига янги яхши зал бериб қўйилади, деб ваъда қилишган эди.

Ўшандан бери 10 йил ўтди. Лекин аҳвол ўша-ўша. Ўқувчиларнинг XVI Бутуниттифоқ спартакиадасидан сўнг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси, шундан сўнг СССР Халқлари VIII спартакиадаси мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Ана шу стартларга ҳам вакилларимиз борйўғи 4 та стол тенниси базўр жойлашадиган залда тайёрландилар.

Республика терма командасининг бош тренери М. Шмуклер билан бўлган суҳбат чоғида кейинги ўн йил ичида команда учун тузукроқ спорт анжомлари — тўрлар, ракеткалар, теннис шарлари ажратилмаганлигини эшитиб ҳайратга тушдик.

Стол теннисидан мутахассис тренерлар тайёрлаш масаласи ҳам муҳимдир. Бундай тренерларни Ўзбекистон Давлат физкультура институти тайёрламайди. Тренерлар ўқувини жойларда — республика ва Бутуниттифоқ семинарлари орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирга келиб мазкур спорт тури бўйича ўқув қўлланмалари: методик китоблар етишмаяпти. Мавжуд қўлланмалар ҳам талабга жавоб бермайди. Чунки улар 60—70-йилларда чоп этилган бўлиб, ҳозирги пайтда мазмунан эскириб қолди.

Республикамиз терма командаси СССР Халқлари IX спартакиадасида финал группасига чиқиш учун саралаш учрашувларида РСФСР, Литва, Грузия (ёшлар) ҳамда Арманистон ва Литва (қизлар) командалари билан куч синашади. Мазкур коллективларнинг тайёргарлик даражаси ҳам, шароитлари ҳам бирмунча яхши. Шу сабабли спартакиадага саноқли кунлар қолган бир пайтда юқорида тўхтаб ўтилган муаммоларни тезроқ бартараф этиш лозим.

**Т. КИСТАНОВА.**



Шахмат

## ЯРИМ ФИНАЛДА КИМ ҚАТНАШАДИ?

Эркаклар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон 51-чемпионати давом этмоқда. Мазкур чемпионатнинг ўзига хос томони шундаки, турнирда фақатгина республиканинг кучли шахматчиси аниқланибгина қолмай, у СССР чемпионати ярим финалида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма эгаси бўлади. Чирчиқлик спортчилар Михаил Салтаев, Сергей Загребельний ва Яков Гейслерлар ана шу йўлланма учун рақиблар билан кескин кураш олиб боришлари ҳозирданоқ кўриниб турибди. Айниқса, Михаил Салтаев ҳамшаҳарларига намуна кўрсатяпти. У 7 турдан сўнг 5 та ғалабага эришди, икки учрашувни дуранг натижа билан тугатди ва 6 очко тўплаб турнирда ягона пешқадам бўлиб олди. Иккинчи ўринда тошкентлик В. Логинов бормоқда.

— Кейинги йилларда республика миқёсида ўтказилаётган шахмат турнирларида эркаклар ўртасида ҳам, аёллар ўртасида ҳам Тошкент области вакиллари етакчи ўринларни эгаллашларига кўникиб қолинди, — дейди мусобақа бош судьяси, бутуниттифоқ тоифасидаги судья А. Чичиков. — Айниқса, чирчиқликларнинг тутган ўрни мақтовга лойиқ. Яқиндагина Инга Сафаргалиевани республика чемпиони бўлгани билан табриклаган эдик. Эркаклар ўртасидаги турнирда эса Чирчиқнинг яна уч вакили кучли шахматчи эканликларини амалда исботламоқдалар.

**М. МИРАЛИМОВ.**

□ **Суратда: чемпионат пешқадами, чирчиқлик СССР спорт мастери М. Салтаев.**

**М. Юсупов** фотоси.

ФУТБОЛ

**● Янги футбол мавсуми бошланишига саноқли кунлар қолган бир пайтда Тошкентнинг «Пахтакор» командаси машғулотларни қизғин давом эттирмоқда. Айниқса, ўтказилаётган ўртоқлик учрашувлари катта фойда бермоқда. Бундай матчларда ўйинчиларнинг маҳорати янада ошмоқда, командага янги келиб қўшилган ёшлар бир-бирларини яхшироқ тушуниб олмоқдалар. Суратда: «Пахтакор» командаси аъзолари катта тренер В. Тихонов билан навбатдаги машғулот пайтида.**

**В. Молгачев** фотолари.





Сув спорти

## НОМЗОДЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда республикамиз сув остида сузиш терма командаси Томск областига жўнаб кетди. Бу ерда спортчиларимиз область ДОСААФ комитети томонидан уюштирилган мамлакатимиз сув остида сузувчилари иштирокидаги мусобақаларида қатнашадилар. Бу ўз навбатида Ўзбекистон терма командасига аъзо бўлган спортчилар учун СССР Халқлари IX ёзги спартакиадаси олдидан жиддий синов бўлади.

Терма командага пойтахтдаги болалар-ўсмирлар спорт техника мактабининг кўплаб талабалари номзод қилиб олинган. Уларнинг кўпчилиги Ватанимиз терма командаси сафида иштирок этиб, юқори натижаларга эришган спортчилардир. Жумладан, Н. Петрова 1983 йилда мамлакат ўсмирлар биринчилигида ғолиб чиққан, ўтган йилги СССР чемпионатининг бронза совриндоридир. Мутахассисларнинг фикрича, бу спортчимиз шу мавсумдаги баҳсларда халқаро классдаги спорт мастери нормативини бажариши кутилмоқда.

Тошкент Давлат университетининг студенти С. Балдуев, политехника институти талабаси Р. Аҳмедов, тошкентлик армиячилар А. Ковалев, А. Овчинниковлар ҳам кейинги йилларда мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келишяпти. Пойтахтдаги 103-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Д. Косарев эса кейинги икки йил ичида маҳоратини кескин оширди. Ўсмирлар ўртасидаги ўтган йилги Европа биринчилигида у бирйўла учта олтин ва иккита кумуш медаль соҳиби бўлган эди.

Терма командамиз Томск областидан қайтгач, бир қатор командалар билан ҳамкорликда кичик турнирлар ўтказади. Сўнгги босқичда эса Фарғона областида июнь ойида республика спартакиадаси ўтказилади. Шундан сўнг сув остида сузувчиларимиз август ойида СССР Халқлари IX спартакиадаси мусобақаларида куч синашиш учун Воронежга йўл оладилар.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

### ГАЗЕТА МУКОФОТИ УЧУН

□ ЎТГАН дам олиш куни Яйпан шаҳрида «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун марафонча югуриш ва спортча юриш бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди. Барча областлардан келган енгил атлетика мухлислари 10, 20 ва 30 километрларга, шунингдек, асосий марафон масофаси ҳисобланган 42 километр, 195 метрга югуриш бўйича беллашдилар. Тошкент области вакиллари Р. Сангатулина, Р. Низомов, Б. Михайловалар турли программаларда биринчи ўринни эгаллашди. Умуман Тошкент области вакиллари бошқа командаларга қараганда яхши иштирок этиб, бош соврин эгаси бўлдилар. Тошкент шаҳри командаси иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринни эгаллашди.

### ЯНГИОБОД ШОССЕСИДА

□ ЯНГИОБОД шоссесида область спартакидаси программаси асосида велопойгачиларнинг мусобақалари бўлиб ўтди. 50 километрга эркаклар ўртасида ўтказилган шахсий пойгада чирчиқлик А. Ватриков биринчи бўлди. 100 километрлик группа пойгасида ҳам чирчиқлик В. Искандаров ғолиб келди. Аёллар ўртасида 15 километрга шахсий пойгада бекободлик Н. Жельтова маррага биринчи бўлиб келди.

Команда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ.

### «ПАХТАКОР» КОМАНДАСИ ХОТИРА СОВРИНИ

□ «ПАХТАКОР» футбол командаси хотира соврини учун курашаётган командалар ўртасида учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Нефтяник» (Фарғона) — «Автомобилист» (Наманган) — 1:4, «Пахтакор» (Андижон) — «Локомотив» (Чита) — 1:1. Ўзбекистон терма командаси— «Хоразм» — 1:2, «Хива» — «Соҳибкор» — 1:2, «Хўжанд» — «Шахтёр» — 4:1, «Динамо» — «Кузбасс» — 1:1, «Зарафшон» — «Сурхон» — 0:1.

## ОБЛАСТЬ СПАРТАКИАДАСИ

Областимиз шаҳар ва районларида Тошкент область спартакиадаси программаси асосида мусобақалар давом этмоқда.

□ ОЛМАЛИҚ. 19-ўрта мактабнинг спорт залида эркин кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда областимизнинг 17 командаси ўзаро куч синашди. Умумкоманда ҳисобида олмалиқлик полвонлар биринчи, Ангрен шаҳри спортчилари иккинчи, бекободликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

□ АНГРЕН. Классик курашчилар турнирида областимиз шаҳар ва районларининг 120 вакили иштирок этди. Умумкоманда ҳисобида Ангрен шаҳри спортчилари ғолиб чиқишди. Оҳангарон шаҳри ҳамда Коммунистик райони курашчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Ўз вазнлари бўйича чирчиқлик А. Пелигин, А. Ёқубов, ангренлик П. Шустов, М. Рўзиматов, И. Багаутдинов, Оҳангарон шаҳридан К. Ли, В. Пак, Коммунистик районидан Е. Мелибеков, Оққўрғон районидан Р. Нежмеутдинов, Орджоникидзе районидан Р. Расуловлар ҳамма рақибларини енгишди.

**Н. ҲАСАНОВ,**
**область физкультура ва спорт комитетининг инструктори.**

Редактор **Н. НАСИМОВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

**МТ-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — Спорт ҳафталиги. 10.15 — Фильм-спектакль. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Щелкунчик». Балет. 17.30 — «Шахмат мактаби». 18.00 — Экологик кундалик 18.20 — Ҳужжатли фильм. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.55 — «Будулайнинг қайтиши». Бадиий фильм 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Фильм-концерт. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Спорт ҳафталиги.

**МТ-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Концерт. 9.35 — «Яна мен сизлар билан»... Бадиий фильм. 10.50 — «Будильник». 11.20 — Рус тили. 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12.50 — Француз тили. 13.30 — «Ойга саёҳат». Бадиий фильм. 1-серия. 14.25 — «Истеъдод». 14.55 — Концерт. 15.25 — «Рассомлар». 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 — Ритмик гимнастика. 20.00 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — «Время». 22.05 — «Дўстлар». Бадиий фильм. 23.40 — Ҳужжатли фильм.

**ЎзТВ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Пионер телетайпи. 8.10 — Телефильм. 8.20 — Тонгги тароналар. 8.30 — «Ахборот». 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга! 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Теленовеллалар театри. 21.30 — «Время». 22.05 — «Пароль — «Регина» меҳмонхонаси». Бадиий фильм. 23.40 — Халқаро аҳвол кундалиги.

**ЎзТВ-II.** 9.00 — 16.00—МТ-II 17.00 — «Қўшиғим, жон қўшиғим». 17.40 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 18.10 — Телефильм. 18.40 — «Қандай бўлмасин». Бадиий фильм. 20.00 — Кинопрограмма. 21.00 — КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга! 21.30 — МТ-II.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун

## ХОККЕЙ

**30, 31 мартда** — «БИНОКОР» **(Тошкент)—«ЗВЕЗДА»** (Оленегорск).

**4-5 апрелда**—«БИНОКОР» (Тошкент)—«МЕТАЛЛУРГ» (Череповец).

**Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 18.30 да бошланади.**

## Олис манзара яқин бўлади

«БПЦ-7х35» МАРКАЛИ ДУРБИННИНГ ЕТТИ МАРТА КАТТАЛАШТИРИШИ ТУФАЙЛИ БАЗЎР КЎЗ ИЛҒАЙДИГАН ҲАР ҚАНДАЙ НУҚТА ЯҚИН ВА РАВШАН БЎЛИБ КЎРИНАДИ.

Бу дурбинни саёҳат ва спорт ишқибозларига тавсия этамиз. У манзараларни кенг ва тиниқ кўрсатиши, ўзининг ихчамлиги билан сафарда ва спорт мусобақаларида яқин йўлдошингиз бўлаолади.



**ШАФФОФ ОПТИКАСИ ТУФАЙЛИ ТИМ ҚОРОНҒИ ЖОЙЛАРДА ҲАМ, НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ДУРБИН ЎЗ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЙЎҚОТМАЙДИ.**

Марказий фокусировка дурбинни яқин масофадан узоқ жойга ёки аксинча тез созлаш имконини беради.

**Дурбин конструкцияси кўзойнак билан ҳам ишлаш имконини беради.**

**Баҳоси — 80 сўм.**

**«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-САВДО ТАШКИЛОТИ.**

## «Хоним»—муаттар исли атир

«ХОНИМ»НИНГ ЕНГИЛ, ХУШБЎЙ ВА МУАТТАР ҲИДИ АЁЛЛАРГА ЖОЗИБА БАХШ ЭТАДИ.

**«ХОНИМ» атири барча ёшдаги аёлларга алоҳида тантаналар, байрам, тўй кунлари фойдаланиш учун тавсия этилади.**



**«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» — парфюмерия термасига атир ва «ЭКСТРА» туркумига мансуб одеколон киради.**

**«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» гулларнинг нозик, нафис ҳидини таратади, енгиллик ҳиссини уйғотади.**

**«СОЮЗПАРФЮМЕРПРОМ» БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ УПА-ЭЛИК ФАБРИКАСИ.**

## «Агат»— қулай фотоаппарат



«АГАТ-18» ФОТОАППАРАТИ ЭНДИГИНА СУРАТГА ОЛИШНИ ЎРГАНАЁТГАН ҲАВАСКОРЛАР УЧУН ЖУДА МОС.

Унда экспозиция параметрлари об-ҳаво белгилари билан, қайд этилган ҳаво булутли бўлса —булут, расмига ҳаво очиқ бўлса —қуёш деган расмига экспозицияни тўғрилаб суратга олаверасиз.

Бу ҳаваскорлар учун мўлжалланган шкалали фотоаппаратнинг кадри 18х24 мм. форматида бўлиб, у стандарт 35-миллиметрли фотоплёнкада 72 та кадрни суратга тушириш имконини беради.

Ёруғликка ўта сезгир «ИНДУСТАР-104» объективи бир неча бор катталаштиришга лойиқ негатив ва позитивларни сифатли тайёрлашда қўл келади.

Барча ёшдаги фотоҳаваскорлар «АГАТ»-18 фотоаппаратнинг бу фазилатларини муносиб баҳоламоқдалар.

Фотоаппаратнинг —оғирлиги —120 грамм,
ҳажми —95х60х45 мм.,
ўзи ихчам,

**СУРАТГА ОЛИШ ЖУДА ҚУЛАЙ**

ШУНИНГ УЧУН «АГАТ-18» САЁҲАТДА, КОМАНДИРОВКАДА, САФАРДА МАНЗАРАЛИ СУРАТЛАРНИ ОЛИШДА ҚЎЛ КЕЛАДИ. **Баҳоси — 19 сўм.**

**«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-САВДО ТАШКИЛОТИ.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ** (телефон 45-37-27).



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари— 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши— 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; редакция бўйича тунги навбатчи —334808, 325353.

Р. — 08659. Б. 1571. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12